DOI: https://doi.org/10.37547/supsci-ojp-05-03-04 Pages: 26-32

Oriental Journal of Philology



ORIENTAL JOURNAL OF PHILOLOGY

journal homepage:
http://www.supportscience.uz/index.php/ojp/about



WORKS CARRIED OUT AT THE IMAM BUKHARI INTERNATIONAL RESEARCH CENTER ON THE TRANSLATION OF MANUSCRIPTS

Shovosil Yu. Ziyodov
Doctor of Historical Sciences, Professor
Imam Bukhari International Research Center
Email: shovosil@yahoo.com
Uzbekistan, Tashkent

ABOUT ARTICLE

Key words: scientific heritage, research center, translation, muhaddith, narrators.

Received: 06.03.25
Accepted: 08.03.25
Published: 10.03.25

Abstract: Currently, large-scale reforms are being implemented in the religious and educational sphere, along with all spheres. In this regard, the work carried out by newly established international research centers in our country is becoming important. One of these scientific centers, the Imam Bukhari International Scientific and Research Center, has so far translated many Arabic manuscripts written by our scholars into Uzbek. This is of great importance in conveying the scientific heritage of scholars from the territory of our country to our people. This article discusses the translation work carried out by the Imam Bukhari International Research Center and its results.

ИМОМ БУХОРИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИДА ҚЎЛЁЗМА АСАРЛАР ТАРЖИМАСИ БЎЙИЧА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР

Шовосил Ю. Зиёдов
тарих фанлари доктори, профессор,
Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази
Email: shovosil@yahoo.com
Ўзбекистон, Тошкент

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: илмий мерос, илмий тадқиқот маркази, таржима, муҳаддис, ровийлар.

Аннотация: Ҳозирги кунда мамлакатимизда барча соҳалар қатори диний-маърифий соҳада кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бунда мамлакатимизда янгидан ташкил этилган халқаро илмий-тадқиқот марказлари

томонидан амалга оширилаётган ишлар муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Шундай илмий марказлардан бири бўлган Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказида шу кунга қадар алломаларимиз қаламига мансуб кўплаб араб тилидаги қўлёзмалар ўзбек тилига таржима қилинди. Бу эса, юртимиз ҳудудидан етишиб чиққан алломалар илмий меросини халқимизга етказишда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Ушбу мақолада Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази томонидан амалга оширилган таржима ишлари ва уларнинг натижалари ҳақида сўз юритилган.

РАБОТЫ ПО ПЕРЕВОДУ РУКОПИСЕЙ В МЕЖДУНАРОДНОМ ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ЦЕНТРЕ ИМАМА БУХАРИ

Шовосил Ю. Зиёдов
Доктор исторических наук, профессор
Международный научно-исследовательский центр Имама Бухари
Email: shovosil@yahoo.com
Узбекистан, Ташкент

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: научное наследие, научно-исследовательский центр, перевод, мухаддис, повествователи.

Аннотация: В настоящее время масштабные реформы реализуются в религиозно-образовательной сфере, а также во всех сферах. В этой связи становится важной работа, проводимая вновь созданными международными исследовательскими центрами в нашей стране. В Международном научно-исследовательском центре имама Бухари, который является одним из таких центров, многие арабские рукописи, написанные нашими учеными, переведены на узбекский язык. Это имеет большое значение в передаче научного наследия учёных с территории нашей страны нашему народу. В данной статье рассказывается о переводческой работе, проводимой Международным исследовательским центром Имама Бухари, и ее результатах.

Кириш

2016 йилдан эътиборан диний-маърифий соҳадаги ислоҳотлар сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди. Мазкур даврда алломалар илмий меросини ўрганишга ихтисослашган илмий марказлар фаолияти йўлга қўйилди. Шундай илмий марказлардан бири – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот

марказидир. Марказ ташкил этилгандан шу кунга қадар юртимиз ҳудудидан етишиб чиққан алломалар меросини ўрганиш, кенг тарғиб этиш, нуфузли халқаро марказлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Тадқиқот усуллари. Ушбу мақолани ёритишда тарихий тадқиқотнинг синхрон, даврлаштириш, қиёсий-тарихий, ретроспектив ва таркибий таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Натижалар. Бу борада Марказ фондини бойитиш бўйича амалга оширилган ишлар ҳақида айтиш жоиз. Шу кунга қадар Марказ илмий ходимлари фаолияти натижасида муассаса фондида 655 та қўлёзма, 839 та тошбосма китоб ва 114 та тарихий ҳужжат (жами 1608 та манба) жамланди. Марказ фонди 134 минг 166 дан ортиқ қўлёзма ва тошбосма асарларнинг электрон нусхалари билан бойитилди. Бу эса алломалар илмий меросини тадқиқ этувчи тадқиқотчилар учун муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Марказда мавжуд қўлёзмалар ҳақидаги маълумотларни тизимлаштириш чоралари ҳам кўрилди. Жумладан, 2018 йилда Марказ илмий ходимлари томонидан “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази қўлёзмалар каталоги” (Imom Bukhari Xalqaro, 2018) нашр этилди. Ушбу қўлёзмалар каталогига Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази фондида сақланаётган 534 та нодир асар ҳақида маълумотлар киритилди. Мазкур китоблар 107 нафар аллома қаламига мансуб бўлиб, 207 номдаги китоблардан ташкил топган. Каталог бир неча бобларга ажратилган бўлиб, Қуръони карим, тафсир, тажвид, ҳадис, ақоид, тасаввуф, фиқҳ, тарих, араб тили грамматикаси, адабиёт, мантиқ, фалсафа, луғат, қомус, фалакиёт ва тиббиёт каби 18 турдаги асарлар ҳақида маълумотларни ўз ичига олди. Каталогнинг охирида 50 нафар хаттот, 3 нафар китоб соҳиби ва 23 та муҳрнинг кўрсаткичлари келтириб ўтилди. Бундай каталогнинг нашр этилиши Марказда мавжуд қўлёзмалар ҳақида кенг жамоатчиликка батафсил маълумот бериш имкониятини яратди.

Бу борадаги ишлар кейинги йилларда ҳам давом эттирилди. Тарих фанлари доктори, профессор Шовосил Зиёдов томонидан 2020 йилда амалга оширилган нашр Марказ қўлёзмаларига оид эмас, балки олимнинг илмий йўналишидан келиб чиққан ҳолда муҳрлар тарихига бағишланди. “Муҳрлар каталоги (Ўрта Осиё сфрагистикасига оид материаллар (Тошкент. XIX аср охири XX аср бошлари)” деб номланган китобда (Muhrlar Katalogi, 2020) Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланаётган муҳрлар ва уларнинг тасвирларига оид илмий-танқидий тавсифлар ҳақида маълумотлар келтирилди. Улар форсча матнлар таржимони, хаттот, муҳрсоз ва муҳршунос Сидқий Хондайлиқий томонидан тўпланган бўлиб, бундай маълумотлар олимнинг илмий салоҳиятини намойиш этади. Бундан ташқари, каталогда муҳрлар ва уларнинг эгалари – қозилар ва уларнинг авлодлари, муфтийлар ва уларнинг

авлодлари, якка шахслар, мударрис ва қорилар, мансабдор шахслар ҳақида гувоҳлик берувчи маълумотлар келтирилди. Ушбу каталог муаллифнинг кўп йиллик машаққатли меҳнати маҳсули бўлиб, муҳрлар тарихига қизиқувчи тадқиқотчилар учун муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Марказда нафақат қўлёзмалар ва уларни тизимлаштириш ишларига катта эътибор берилди, балки қўлёзмалар фондида сақланаётган араб тилида ёзилган ноёб асарларни таржима борасида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Хусусан, 2017-2024 йиллар мобайнида Имом Бухорий ва бошқа алломаларнинг араб тилида ёзилган 43 номдаги ноёб асарлари ўзбек тилига таржима қилинди, 79 номдаги монография, каталог, китоб ва рисолалар нашр этилди. “Абу Мансур Мотуридийнинг “Таъвилот ал-Қуръон” (30-жуз)”, “Сулосиётул-Бухорий”, “Саҳиҳи Бухорий шарҳи” 1,2,3 ва 4-жузлари, “Ат-Тарихус сағир”, “Имом Бухорийнинг “Биррул Волидайн”, “Халқу афъолил ибод” ва “Китобус зуафо ас-сағир” ва бошқа асарлар шулар жумласидандир. Амалга оширилган бундай ишлар алломалар илмий меросини халқимизга етказиш ишларида муҳим аҳамият касб этди.

Муҳокама. Шу ўринда мазкур китобларнинг айримлари ҳақида маълумот бериш ўринлидир. 2021 йилда нашр этилган Абу Мансур Мотуридийнинг “Таъвилот ал-Қуръон” китоби шулар жумласидандир. Ушбу китоб алломанинг “Таъвилот ал-Қуръон” асари таржимаси бўлиб, унда Қуръони каримнинг Фотиҳа сураси ва 30-жузининг таржимаси ва тафсири ўрин олди. Таржимада Имом Мотуридийнинг қарашларини имкон қадар енгил, тушуниш осон бўлган услубда халқимизга етказишга эътибор қаратилди. Қурони карим оятларининг таржимасини келтиришда Шайх Абдулазиз Мансур қаламига мансуб “Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири” асаридан кенг фойдаланилди. Мотуридийшунос олимлар Доктор Аҳмад Саъд Даманҳурий, профессор Юсуф Шавқий Явуз, доктор Ҳамза Бакрий ва бошқа кўплаб уламоларнинг тавсияларига асосан Бекир Тўпал ўғли ва Аҳмад Вонли ўғли таҳқиқи остида нашр этилган нусха таржима ишининг асосий манбаси қилиб олинди. Имом Мотуридийнинг “Таъвилот ал-Қуръон” асарида ўзининг фикрларига далил ҳужжат учун келтирган барча оят ва ҳадисларнинг манбалари ҳошияда кўрсатиб ўтилди. Мазкур таржима Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази олимлари томонидан амалга оширилган муҳим лойиҳалардан бири бўлди ва асарнинг кейинги жузлари таржимаси учун катта аҳамиятга эга бўлди.

Марказ илмий ходимлари томонидан Али ибн Ҳижозий ибн Муҳаммад Байюмийнинг “Сулосиётул Бухорий” тўплами асосида таржима қилиниб нашрга тайёрланган “Сулосиётул Бухорий” рисоласи ҳам бу борада катта аҳамиятга эга бўлди. Мазкур рисола “Саҳиҳул Бухорий”даги 3 нафар ровий орқали ривоят қилинган, яъни саҳиҳлар ичида саҳиҳроғи деб топилган ҳадислар ҳақида бўлиб, унда “Саҳиҳул Бухорий”дан 22 та уч

ровийли ҳадис ва шартли тарзда уч ровийлилар тоифасига кирувчи (“Саҳиҳул Бухорий”даги санади уч ровийли ҳадислар) 9 та ҳадиснинг таржима ва изоҳлари берилди. Рисолада келтирилган ҳадисларда ростгўйлик, ибодат, ўзаро муомала, кишилар орасини ислоҳ қилиш, раҳбарга итоат, меҳр-оқибат, таом тарқатиш ва таомланиш одоби каби масалалар ўз ифодасини топган. Бундан ташқари, рисолада “Саҳиҳул Бухорий”нинг ёзилиши тарихи, услуби, саҳиҳ бўлишдаги шартлари ҳақида ҳам маълумотлар келтирилди. Ушбу таржима қўлёзмасига асосланган бўлиб, унга мазкур қўлёзма асарида келтирилмаган, аммо “Саҳиҳул Бухорий”да мавжуд бўлган сулосий ҳадислар ҳам киритилди.

Кейинги йилларда ҳам бундай ишлар давом эттирилди. Юқорида номи келтирилган ва 2023 йилда нашр этилган “Ат-Тарихус сағир” асари шулар жумласидандир. Ушбу асар Ровийлар илмига бағишланган бўлиб, Имом Бухорийнинг “Ат-Тарихул кабир” номли китобининг бевосита давоми ҳисобланади ва ҳадис илмига оид муҳим манба саналади. Унда уч мингга яқин ровийнинг насаби ва таржи¬маи ҳоли ҳақидаги маълумотлар жамланган. Асар ҳадисларнинг санадлари, ишончли ровийлардан келти¬рилгани, улар ҳақидаги маълумотлар ҳам берилгани ҳамда ро¬вийлар тартиби саналари ва қайси йилда вафот этганига кўра кетма-кетликда баён этилгани билан бошқа асарлардан алоҳида ажралиб туради. Мазкур асарнинг таржима қилиниши ва нашр этилиши ҳадис илмига қизиқувчи тадқиқотчилар учун муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Имом Бухорийнинг “Халқу афъолил ибод (Бандаларнинг амалларини Аллоҳ яратиши)” асари (Khalqu Afalil Ibad, 2024) ҳам марказ илмий ходимлари томонидан амалга оширилган катта ишлардан бири бўлди. Ушбу китоб Имом Бухорийнинг “Халқу афъолил ибод” (“Бандаларнинг амалларини Аллоҳ яратиши”) асари таржимаси ва шарҳидир. Унда Аллоҳ таолонинг калом сифати борлиги, бу борада уламоларнинг қарашлари, “Қуръон махлуқдир” деган фикрдагиларнинг ботил даъволарига илмий раддиялар берилган бўлиб, 663 та ҳадис ва хабар жамланган. Ўн икки бобдан иборат ушбу асар нотўғри эътиқоддаги оқим ва фирқаларнинг ғояларига қарши раддия сифатида келтирган далилларни қамраб олгани билан алоҳида аҳамият касб этади. Асар ўқувчига янада тушунарлироқ бўлиши учун нашрга тайёрлаган илмий жамоа томонидан батафсил шарҳ-изоҳлар берилган.

Ҳадис саҳиҳлигини аниқлашда ровийлар ҳақида маълумотга эга бўлиш катта аҳамиятга эгадир. Имом Бухорий бу борада катта ишларни амалга оширган. Марказ илмий ходимлари томонидан алломанинг таржима қилиниб, нашр этилган “Китобус зуафо ас-сағир (“Заиф ровийлар ҳақида кичик китоб”) асари шулар жумласидандир. Ушбу асар, яъни “Китобуз зуафо ас-сағир” асари даражаси заиф деб топилган ровийларни аниқлаш, умматни бундай ҳадислардан ҳукм олишдан асраш мақсадида ёзилган илк асардир. Мазкур китоб “Китобуз зуафо вал матрукин” (“Заиф ва тарк қилинган ровийлар ҳақидаги китоб”) ва “Аз-

Зуафо” (“Ривояти заиф ровийлар”) номи билан ҳам юритилган. Асарда 418 та ровий ҳақида маълумот жамланган. Асар алфавит тартибида ёзилган бўлиб, унда ровийлар ҳақида қисқа ва аниқ маълумотлар келтирилган. Унинг бу асари алломадан кейинги ҳадис илми билан шуғулланувчи муҳаддислар учун ҳам муҳим қўлланма саналган.

Бундан ташқари, Марказда нафақат алломалар асарлари, балки ҳозирги кунда турли ботил ғояларга эргашган адашган оқимларга қарши раддия кўринишидаги асарлар таржима қилиниб, нашр этилди. тарих фанлари доктори, профессор Шовосил Зиёдов масъул муҳаррирлигида нашр этилган “Ислом динида тинчлик” ва Марказ илмий ходими Алоуддин Нематов томонидан нашр этилган “Аллоҳ қаерда” номли рисола ва бошқалар шулар жумласидандир.

“Ислом динида тинчлик” рисоласида Аҳли сунна вал жамоа уламоларининг Қуръон оятлари ва ҳадиси шарифлар асосида ислом динида тинчлик ва бағрикенглик тушунчаси, тинчликка тарғиб, мусулмонлар ва бошқа дин вакиллари орасидаги муно-сабатлар каби ижтимоий масалалар ҳақидаги қарашлар жам¬ланган бўлса, “Аллоҳ қаерда” номли рисолада эса, Қуръон оятлари, ҳадислар, мусулмонлар ижмоси, тўрт фиқҳий мазҳабнинг машҳур уламо-ларига тегишли қатъий ва ўта аниқ далиллар воситасида аҳли сунна вал жамоа ақидасига кўра Аллоҳ таоло ҳақида қандай эътиқодда бўлиш лозимлиги баён қилинган.

Хулоса қилганда, 2016 йилдан эътиборан мамлакатимизда диний-маърифий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар янги босқичга кўтарилди. Алломалар илмий меросини ўзбек тилига таржима қилиш ва уларни халқимизга етказиш асосий вазифалар қаторидан жой олди. Шу мақсадда Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказида катта ишлар амалга оширилди. Хусусан, марказ ташкил этилган кундан ҳозирги кунгача алломалар қаламига мансуб араб тилида ёзилган кўплаб китоблар ўзбек тилига таржима қилинди ва нашр этилди. Шу билан бирга, уларнинг халқимиз орасида кенг тарғиб этиш ишлари олиб борилди.

Бу даврда таржима қилинган китобларни шартли тарзда икки гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчисига бевосита Имом Бухорий қаламига мансуб асарларни киритиш мумкин. Иккинчи гуруҳга эса алломанинг шогирдлари, замондошлари ва у кишидан кейинги муҳаддислар томонидан ёзилган китобларни киритиш мумкин. Умуман олганда, Марказ томонидан таржима қилиниб, нашр этилаётган алломаларимиз илмий меросига оид асарлар халқимиз диний-маърифий саводхонлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Abu Abdullah Muhammad ibn Ismail Bukhari. (2023). The Small History. At-Tarikhus Sagir. – Tashkent: Gafur Ghulam Publishing House. (in Uzbek)
2. Abu Mansur Maturidi. (2021). Interpretations of the Quran. Tawilaat al-Quran. – Samarkand: Imam Bukhari International Research Center Publishing House. (in Uzbek)
3. Alauddin Hafiy. (2023). Where is Allah? Allah Qaerda? – Tashkent: Gafur Ghulam Publishing House. (in Uzbek)
4. Ali ibn Hijazi ibn Muhammad Bayumi. (2021). The Triads of Bukhari. Sulasiatul Bukhari. – Tashkent: Gafur Ghulam Publishing House. (in Uzbek)
5. Authors' Group. (2018). The Manuscript Catalog of the Imam Bukhari International Research Center. Imom Bukhari Xalqaro Ilmiy-Tadqiqot Markazi Qo'lyozmalar Katalogi. – Samarkand: Imam Bukhari International Research Center Publishing House. (in Uzbek)
6. Imam Bukhari International Research Center. (2017-2024). Information on the activities of the Imam Bukhari International Research Center. – Samarkand. (in Uzbek)
7. Imam Bukhari. (2024). The Creation of Servants' Deeds. Khalqu Afalil Ibad. – Tashkent: Gafur Ghulam Publishing House. (in Uzbek)
8. Qobilov N. et al. (2023). Peace in Islam. Islom Dinida Tinchlik. – Samarkand: Imam Bukhari International Research Center. (in Uzbek)
9. Ziyodov, Sh. (2020). The Catalog of Seals. Muhrlar Katalogi. (Materials on Central Asian Sphragistics (Tashkent. Late 19th - Early 20th Century)). – Samarkand: Imam Bukhari International Research Center Publishing House. (in Uzbek)